

БАҲРИДДИН САДРИДДИНОВ

**ҲАЙРАТ
ГУЛХАНИ**

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2006

84(54)6-5 ўзб. бада, 2320, —
Шеърлар

Баҳриддин Садриддинов назиктаъб шоир. Унинг шеърлари ўз ҳарорати, ёниб турган сатрлари билан бўлакча.

У чин юракдан сўз айтади, ҳайратини, муҳаббатини оловлантириб шеър битади. Шу боис, унинг битикларини кўнгилга яқин олиб ўқийсиз, нафис санъатидан баҳра оласиз.

Ю 32295
Оғ.

2006 9037	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Mi
--------------	--

ISBN 5-633-01853-2

© Баҳриддин Садриддинов. «Ҳайрат гулхани».
«Янги аср авлоди», 2006 йил

ВАТАН

Улрайдимки мен баррингда,
Отам-онам бўлдинг, Ватан,
Гар сиғинсам саҳарингдан
Менинг Каъбам бўлдинг, Ватан.

Бахтим — сенда толор* бўлсам,
Ҳар йил узум солар бўлсам,
Агар беҳол қолар бўлсам,
Ўзинг малҳам бўлдинг, Ватан.

Кўҳна тарих билгунича,
Минг йил шонинг тўлгунича,
Истиқлолим келгунича,
Дилда нолам бўлдинг, Ватан.

Ойдин йўлга солғувчим — Сен,
Мен — создирман, чолғувчим — Сен,
Кетсам, ортда қолғувчим — Сен,
Гулдек болам бўлдинг, Ватан.

Омон бўлгин, озод ўлкам,
Армоним йўқ — кўрдим ўктам,
Кўз тегмасин, бирам кўркам,
Бирам кўркам бўлдинг, Ватан!

* Кўтаришган ток

ОНА СОҒИНЧИ

Бу дунёда Сен-чун битта осмон бор,
Битта хонадон бор Сен-чун муқаддас:
— Қайларда юрибсан, Онанг — интизор,
Соғинчдан чирогин тунлар ўчирмас.
— Боламни асра, деб дуода бешак,
Меҳрибон кимса кам онангдан бўлак!

Шомлардан сўроқлар, саҳарлар бедор,
Юлдузлар онангнинг доим сирдоши.
Болам омонми, деб ойдан ҳам сўрар,
Тонг отар. Тугамас онанг бардоши.
— Осмонда юрибсан, онангдир илҳақ,
Меҳрибоннинг камдир онангдан бўлак.

Ҳаёт улкан дарё: мавжланиб ётар,
Сен унда тўлқинсан, оқаётирсан.
Толеинг кулгандир, имконлар қатор,
Қул эсанг хўжангга ёқаётирсан.
Кечалар санчади кўксингда юрак,
Меҳрибонинг йўқдир онангдан бўлак!

Макрга ютқазсанг, фитналар ажаб,
Омад сендан кетса, «Онажон», дейсан.
Тобинг қочар бўлса, мадоринг тугаб,
Йиқилган чоғингда «Онажон», дейсан...
Учиб келар қушдек кўқдан чархпалак:
Кимгаям кераксан онангдан бўлак!

Қувонса қувонар Сен сабаб, билгин,
Йиғласа Сен учун йиғлагани рост.
Сени асрасин деб иримлар қилгай,
Сен учун бағрини тирлагани рост:
— «Аввал онангга...» деб буюрилган, демак,
Меҳрибон ким бўлар онангдан бўлак?

Болам деб қартайар: Сен-гул, лоласан,
Сочларига қиров, қорлар ортади.
Сени алқаб-алқаб... билмай қоласан,
Сенга дунёниям ташлаб кетади:
Бўтадай тентираб қоларсан ҳалак,
Кимгаям кераксан онангдан бўлак!

* * *

Бўзлов тупроқ, сеҳр кўрдим,
Сен деб ғурур туйгайдирман.
Сен Меҳрсан, Ишқсан, юртим,
Заррангни ҳам суйгайдирман.

Ўтмишимдир қай бир харсанг,
Келажагим — унган майсанг,
Гуллар экан сойдаги санг,
Ҳидлаб-ҳидлаб туйгайдирман.

Ғофилларким англасинлар,
Бахтинг порлар — тонгла сахар,
Чумчуқларинг чанқаса гар,
Кафтимда сув қуйгайдирман.

Дарс ўқийман ҳар боғингда,
Қулоқ тутиб сабоғига,
Ҳар дарахтинг япроғига,
Мен юзимни қуйгайдирман.

Сени шеърда айтиб-айтиб,
Ўтиб кетсам бир кун «ҳайт» деб,
Қалдирғочинг бўлиб қайтиб,
Фақат сен-чун куйлайдирман!

* * *

Бири кам дунёнинг «Бири кам» нега?
Соч-соқол оқарди ҳисоблайвериб.
«Чоллар адашди-ёв, кетдик баландга»,
Йигитлар югурар тўлдирайлик деб.

Ҳамма юзин ювар ёмғирлар қуйса,
Селлар тошиб келса — йўламас ҳеч ким...
Адашган кимсалар бу селни суйса —
«Дунём оқиб кетди», деб йиғлар аллаким.

Битталаб санарлар... Хатоликдир бу!
Соатни айблаб кечикканлар бор.
Охирги гул бўлди ҳамд билан қайғу,
Юракни забт этди бир соғинч такрор.

Тошойнага кимдир қўл силкир дилтанг:
— Бола пайтинг ўтди — қирқдан ҳам ошдинг!
Дунёни минибсан! Этикларинг чанг,
Кўпкарида айтгин, нени талашдинг?

Сен югуртирган ул қадим ғаддор,
Сени эрмак қилган Нафснинг сайдими?
— «Дунё» дея кўрма, тингла, гапим бор;
— У энди ўрлингни алдамайдими?!

ҲАКИМБЕК

Ҳаёт ўйин, зоти — қимор: чикка-пукка.
Ким инсофга, ким макрга роса бўккан.
Кўнгли қорли тордек баланд Ҳақимбекка
Зўр қаламу бир чиройли мўйлов теккан.

Офтоб энди чиққандайин кўзларидан,
Не учундир юрагимни тирлагайман.
Йўқчиликни сезиб қолсам сўзларидан,
Ўша кеча ўз-ўзимга йирлагайман.

Эй Ҳақимбек, Эгам раҳм қилсин кўпга,
Гар нолисак, ким ҳам бизга қулоқ солган.
Эгам берса ярашаркан либос чўпга,
Эгам доим ўзи берган, ўзи олган.

Эй Ҳақимбек, ҳавас қилсин сенга беқлар,
Алломишнинг исми сенга — буюрганда.
Гар суринсам, аввал мени ҳақим йўқлар,
Бу кўнгилчан жонин берар сўраганга.

Оқтовимда улғайгандир йироқ кекдан,
Бахшиларга ўхшаб сўзлар кўнгли тўқдир.
Сумбати шер. Сухбати шеър.

Ҳақимбекдан
Ўтадирган орамизда шоир йўқдир!

СИНИҚ ОЙНАДАГИ ШЕЪРЛАР

Феълим ростгўй; ёлгон — рост бўлолмайди,
Пастни мен паст дедим — уст бўлолмайди.
Бирорта мушукни арслон демадим,
Чўр ўчса, кул бўлар — ўт бўлолмайди.

* * *

Кимдир ўсма қўйган, ким соқол олган,
Ўзин танимаган таниб ҳам қолган.
Мана, ҳақгўйлигинг мукофоти, деб,
Бир орзи қийшайган синдириб солган...

* * *

Бир умр тўғри сўз бўлайин, дебман,
Аввалдан синмаслик гамин емабман.
Ҳамма гуноҳимдан ҳам энг даҳшати бу:
Мен битта хачирга отсан, демабман!

КУЗАТИШ

Сўзлар вақтдан туғилган. Умр атиргул.
Соатлар ясалган, ўйлаб топилган;
Сиз энди учраган танишдан
Соат неча ёшда деб сўранг!
(Тоқатингиз нега қолипда?)

Сўзлар безовтадир саҳардан.
Бор бисотим СЎЗ...
Бари таниш сўзлар тулпорларимдир!
Қоронғуда сўзни шубҳага тутманг,
Хуркиб кетар сатрлар бари... .
Потирлайди узоқ (Қушдир юрагим).

Тонг отар пайт кишнар тулпорлар:
Асовдир. Тик бўлиб ҳавога сакраса,
Фафлатлар шаклида хиёнат келса,
Соатдан хотирани олиб кетишар.

Кўксим дупурлайди. Тонг отар пайти,
Соатлар чарчайди бешик тебратиб.
Соат тақиллатар эшикни бу дам,
Кўзларимга оч, деб ўкиндим...

Хорғин чўккалайди? Шоир Машрабми...
Кўнглим девонадир, атиргул кўнглим...
Нафасимда... ҳансирар тулпорлар,
Лаҳзалару Вақтни майдалаб қочар.
Сўзлар оғринади. Шом хира,
Шеърлар чангиб ётар. Кўчалар ҳайрон.

Кўракни тор дебман.
Ҳайратни суйдим...
Руҳим,
Мен ундан ҳол сўрамай қўйдим.
Соатлар доядир, шеърлар гўдақдир —
Ўшар адирларнинг лолаларига.
Ўр дилим, қайсар дилим гуллайди.
Соатга қараманг. Соат ўткинчи —
Ўгайдир кўнглимнинг нолаларига!!

* * *

Қуёш қизаради намозшомгулдан,
Дайди шовқин шу атрофга оралар.
Армон уйғонади, сен-чун кўнгилда
Ўзингни топдингми? Умид мўралар...
Ноғора чалаётир риёлар!

Бошингни чайқама, мажнунтол,
Мени тушунмади нега дунёлар.
Афсуснинг рангини излайди шамол —
Алвидо, эй кўнгил, энди алвидо —
Ноғора чалаётир риёлар!

Сени афсусларга қул этар видо!
Сабрим дарёсида бир сандиқ оқар:
Ул — менинг соғинчим, бу соғинч — наво,
Турналар осмонда қанотин қоқар:
Ноғора чалаётир риёлар.

Дунёнг биттамиди? Менким — овора.
Кўзимдан тўкилган гул бўлди, Тангрим!
Тонглар, субҳидамлар, саҳарлар аро —
Сўзимга осилган қул бўлди, Тангрим
Ноғора чалаётир, риёлар!

* * *

Афсусдан ҳуркишар. Нега? Билмайман,
Ёлгонлар хас бўлди. Гуллар ўсаверади.
Бу гулларни кесиб ўтин қилмайман.
Ҳайрат — ёнаётир. Оловни ким тўсади?

Мен сени чақирдим. Қўшиқ — яловим,
Фаришта гулханни «Гул» — дер бепарво.
Қушлар чарх ураётир. Севинчлар-чорлов,
Парвоз — ишқку! Қолгани — ирво...

Хулосани синдир. Ҳукм — садақа,
Кўнгил — ёш боламас. Қаримайди ҳам.
Уни алдаш осон эмас. Алдовлар — чақа,
Сочилди : тердилар. Дерлар: «ҳали кам...»

Соянгдан қочмагин. Умидлар-ёмғир,
Жисминг майсамиди? Кел, баргларим ўп...
«Афсус» деганларга ишонма, бағрим,
Аслида, девона кам, ҳайрон кўп.

Ўткинчи деб атабдурлар
Бул дунёни алломалар,
Бир ўткинчим бор эди, деб
Сўраб турсанг ёмон бўлмас.
Кўнглим ёзар ҳар тонг саҳар
Сенинг учун кўп номалар,
Яхши бўлур, кўнгил учун
Ўқиб кўрсанг ёмон бўлмас.

Бир пул дедим, бу дунёнинг
Бекор дедим, чақа дедим,
Сени бир гул атадим мен,
Танҳо дедим, якка дедим,
Атрофимдан ўтиб қолсанг
Юрак пакка-пукка дедим,
Ҳолинг не, — деб, ҳолимни Сен
Сўраб турсанг ёмон бўлмас.
Яхши бўлар, ҳолим сўраб,
Келиб турсанг ёмон бўлмас.

Муғаннийлар тушунмаслар:
Ноғоралар чалишарлар,
Юрагимни эзгилаб ҳам
Ҳайрон-ҳайрон қолишарлар.
Эзиб-эзиб, ўлмади деб,
Кимларгадир нолишарлар,
Юрагимда бир гунча бор —
Ҳидлаб кўрсанг, ёмон бўлмас,
Хўб ярашар кўкрагинга,
Қадаб кўрсанг ёмон бўлмас.

Шеър айтмоқлир надур,
дебман,
Айтибдурлар: девоналир!
Сенинг қулинг тутмоқликки,
Тирикликда мардоналир,
Йўлинг пойлаб, йўлинг пойлаб —
Ошиб кетди оворалир,
Оворам деб, битта раҳм
Атаб турсанг ёмон бўлмас,
Закот айла битта раҳм —
Ҳадя этсанг ёмон бўлмас.

Ойлар ўтар, кунлар ўтар,
Валломатлар, ҳушим қани?
Ойлар доим осмондадир —
Ҳушим олғон қушим қани,
Ойлар тунни қучоқларкан,
Алғов-далғов тушим маним:
Ҳеч бўлмаса ҳушёр бўл, деб
Эслатсанг-да ёмон бўлмас
Яхши бўлур, ҳушинг ол, деб,
Қистаб турсанг ёмон бўлмас!

* * *

Ўриклар оқ кўйлак ичра ястаниб,
Анвои атирлар пуркаган фасл.
Жилғалар чопади сойни қизғаниб,
Томирларда олов кезади, сабил.

Кўксида майсани силкитар қирлар,
Ҳовлиққан шамоллар излар нимани?
Қизғалдоқлар сочар кўклам адирлар —
Қўндирайин, дея гала турнани.

«Қур-қур»лар янграйди жаннатга атаб,
Турналар тушинга кирар учинсанг.
Куртаклар шивирлар қуёшга қараб,
Фаришта бўлурсан агар тушунсанг.

Чўмилтирай, дея — ёмғирлар қуяр,
Абадий покликдан бергувчи дарак.
Ҳўл бўлган бир соғинч бағримни ўяр,
«Дунёда ёмонлик қолмади, демак...»

Нега қочаяпсан ёмғирларимдан,
Бу бир ёруғликдир: ўпсин юзингни.
Ҳой, севинч ёғаяпти, ёғар бағирдан —
Ҳеч бўлмаса кўрсат, бир бор кўзингни!

Шеър — бу руҳнинг ўтинчидир,
Ё гул бўлар, ё мушт бўлади.
Шоир халқи ўткинчидир —
Учиб кетар қуш бўлади.

Кўзларида йиллар ҳавас,
Юлдузлар ҳам маст, ойлар ҳам маст,
Девонадир, гадой эмас —
Худой суйса — куч бўлади.

Шеър — ўтинчдир, тордир кўкрак,
Нега сирмас битта юрак?
Шивирлаш, дер майса, чечак —
Гаплашмаса кеч бўлади.

Шеър — Оллоҳнинг ҳимматидир,
Филмонларнинг суҳбатидир,
Зарлардан ҳам қимматидир,
Телбаларга эс бўлади.

Шеър — Оллоҳга яқин қилгай,
Кесақдан ҳам чақин қилгай,
Бир ошиқни оқин қилгай,
Шеър айтмаса — ҳеч... бўлади.

Кимларда — зар, шоирда — гам зиёда,
Шоир шеър деб оворада,
Ўлиб кетса, у дунёда
Париларга дуч бўлади!

20 *06*

А *9037*

Alisher Navoiy
nomidagi

O'zbekiston Mf

ШАҲАРДАГИ ЁМФИР

Бетонли уйлар узра
Сен бекорга ёяпсан,
Шаҳарга нега келдинг,
Довдиргинам — ёмфирим?
Шариллаб тарновлардан
Ўксиб-ўксиб оқяпсан,
Ўз қадрингни бу маҳал
Не билмадинг, ёмфирим?

Барибир бу шаҳарга
Икки дунё сирмайсан,
Икки дунё ёқтирмайди
Сени асфальт йўлаклар.
Бу юрганлар ивимас,
Ёмфирпўшга сингмайсан,
Сен — ўтайсан, бу ернинг
Дарахти ҳам силкилар.

Бу шаҳарга ўтайсан,
Кетиб қол адирларга,
Ям-яшил майса билан
Кутиб олар ёбонлар.
Жилғалардан оқарсан,
Думалайсан қирларда,
Шаҳарликлар ҳўл бўлмас,
Лой бўлмайди товонлар.

Ҳамма безор бунда
Сендан, ортиқчасан, ўтайим,
Оёқ ости бўлаяпсан,
Сачратади мошинлар.

Сени бунда кўриб,
Куйиб кетар кўккайим —
Зое кетар сенда қудрат,
Ҳайф бўлар тошқинлар.

Ёғаяпсан, содда ҳайрат,
Ёғаяпсан шариллаб,
Тарнов жони темирдан,
Сен ёмғирим, анқовроқ.
Ўзингни хор қилма бунча,
Деразадан мўралаб,
Бу томларда ўсмас гуллар,
Югурмайди қизғалдоқ.

Бу шаҳарда кўчалар кенг,
Ёмғирларга кўнгил тор,
Юракни очиб кўйиб,
Кел, бирга дард айтайлик.
Булутларинг силкитиб ол,
Жала қуй такрор-такрор,
Тириклар кўз очгунча,
Кел, Оқтовга қайтайлик.

Барибир қайтасан-да,
Безиб бир кун шаҳардан,
Қайттайсан маъни каби,
Чақмоқдек ёғду сочиб.
Жилғаларда сел бўлиб,
Шовуллагин шаҳардан,
Ҳайқиргин, булоқларнинг
Қопланган кўзин очиб!

МЕҲРИБОН БАЁТ

«Куйламоқ аслида қутлуғ бир азоб» —
Шоирга аталган насиба:
Лозимдир даставвал қанотни куйлаш,
Қаршимизда — реактивли аср...
Куйлаш шартдир эртақларни қаноти борлиги учун,
Куйлаш шартдир Бойчиборни, Гўрўғлини ҳам.
Куйлаш шартдир номардларга дунё торлиги учун,
Эртақлар ҳар доим: меҳрибон, огоҳ...
— Куйланг, гўдақларнинг орзуси сабаб,
Куйланг, кексаларнинг Армони сабаб!
... Куйлар эди уста Ҳасан (зотан чин бахши) ♦
Сокин кезар экан Оқтепанинг серчанг кўчаларида:
Бахши тик кўтарарди қуёшни елкаси узра —
Бир тўп гўдақ эргашардик эртақнинг ортидан...
Эртақларнинг қанотида учар ҳақиқат,
Эртақларнинг қанотида ўлар ёлгонлар,
Эртақларнинг қанотида тирик Ватанлар,
Эртақларнинг қанотида — ранглар яшил, оқ...
... Одам Ато, Момо Ҳаво бўлган жаннат ҳақида
Куйлар эди бахши, кўзларин юмиб.
Ҳали жаннат уйи беркилмай туриб,
Бу иккови ҳали бўлмай бадарға —
Бир-бирин васлига ҳали тўймасдан:
Бир «доно» Эртақнинг тортди қанотларидан!
Шаҳар кўрган деди: бобой, бекор сўзламанг,
Газета чиқмаган гапларни! Одамзод яралган
Хомасапиенсдан-маймун ўтган аждодларимиз!
Ҳой, сен бола, жўна, бу ердан,
Мактабга борганда кўрасан...
Ҳасан бобо — бу бахши бобо
Мунраймади, чўчимади, рост,
Қоматини роз тиклади бирдан,
Нақ ҲАСАН КЎЛБАРга ўхшабди, балким.

Ва юлқиб олди сўтакнинг қўлидан
Эртакнинг қанотларини:
Тавба, юдузларку кўкда учади,
Сувлар оқар уларни қувлаб.
Саксон йил яшадим-кўрдим, одамлар
Алмашиб турибди бири-бирига!
Кўрганман маймунни-афтсиз бир махлуқ
(Яралгансиз сиз ундан фаҳмимча!)
Болам кечир, дунёга келдим,
Мен ўзимнинг шахсий ота-онамдан!
...Кўп йиллар қувлашиб ўтди орадан,
Йиллар кетди бахшини излаб.
Энди билсам, ҳуркиб дўмбира
Юдузларга чиқиб кетган аразлаб...
Унинг ўтли қанотларидан
Чақинлар тушгайдир қалбимга.
Узоқ тунлар чиқсам босинқиб,
Сатрлар кўксимдан ўтар югуриб.
Бор бўл, бедор бўл, эртакнинг қанотларида
Занжир сабабларга айланган дунё,
Орзуга, Армонга бойланган дунё!...

Макр чоҳ қўядир: ним табассум-ла,
Ҳавасга қул бўлдинг. Шайтонлар — суйган.
Тонг отиб ботади. Расм-русумлар...
Ҳадиклар сочингни оқартиб қўйган.

Аршга ҳам чиқасан. Кўнгилда риё.
Кўксингдаги пайғом потирлар узоқ.
Дилинг ғорат қилган ишқ-ми, кибр ё...
Илинжлар тонг пайти қўйишган тузоқ.

Сен энди шомгача югуравергин.
Ухласанг... Саҳарлар аразлайди, чин.
Афсус юрагингни бурғулайверган —
Кўнглингнинг ойнаси бўлган чилпарчин.

ОТАМНИНГ ЧОПОНИ

Бир оз чанг босибди: кийдим, исиндим.
Энам мени кийсин, дея тўрга илибди.
Отаси овутган гўдақдай тиндим,
Ота, меңдан ўтганини ким ҳам билибди.

Йиллар ўтаётир. Йилларга не нам,
Ўтаётган йиллар кўзим ёшлаган.
Энди Сиздек мени тергамас ҳеч ким,
Ота демоқликни тилим ташлаган.

Кўнгил нима ўзи? Кўнгил — саройми?
Чопонингиз кийиб бир оз тўлибди.
Минг қатла шукурким, Сенга худойим,
Буқун болаларим отам бўлибди.

Дунё жилваланар: макри мингдан-минг,
Макр ўчақишган менинг ҳушимга.
Менинг ҳушим аршда, ўтинчим менинг:
Ота, кириб туринг гоҳ-гоҳ тушимга!

ЁҒОЧ КЎПРИККА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Қодир Эгам меҳрибондир: сойни равон оқдирган,
Ўнг қирроқни чап қирроққа ҳайрон-ҳайрон боқдирган,

Ўнг қирроқда турганларни чапдагилар ёқтирган,
Етишмак-чун бир-бирига имолар ҳам қоқдирган,

Биз рост эдик, аслида, ўтрик бўлдик кимларга,
Энди манов сойни деб, кўприк бўлдик кимларга!

Ўсгандик сой бўйида, тик эдик, терак эдик,
Лайлаklar уя қўйса, кузгача сергак эдик.

Тонг отса, кунлар ботса — шомларга керак эдик,
Девона шамолларга суянчиқ, тиргак эдик,

Биз рост эдик, аслида, ўтрик бўлдик кимларга,
Букун манов сойни деб, кўприк бўлдик кимларга.

Икки томон термулишиб, бир-бирларин суйганлар,
Ўтолмайин қийналганлар, жонларига тўйганлар,

Битта кўприк кераклигини англаганлар, туйганлар.
Охири бизни кесиб — кўприк ясаб қўйганлар:

Биз рост эдик, аслида, ўтрик бўлдик кимларга,
Селлар келар сойдан деб, кўприк бўлдик кимларга?

Кўприк бўлдик мана энди, икки томон хуш майли,
Болалар миниб ўйнар, кечгачаям тушмайди.

Ўнг томон чап томонга ўта бериб қўймайди,
Кундузлари майли эди, тунлар ўтиб тўймайди.

Биз рост эдик, аслида, ўтрик бўлдик кимларга,
Сойдан ўтиб олсин деб, кўприк бўлдик кимларга?

Жилгалардан селлар келиб, тўлиб оқар, манов сой,
Бир теракнинг ҳолига кулиб оқар, манов сой,

Икки қирғоқ шивирини билиб оқар, манов сой,
Тунлар кўқдан тўлин ойни юлиб оқар, манов сой,

Биз рост эдик, аслида, ўтрик бўлдик кимларга,
Бир ёлғончи сойни деб, кўприк бўлдик кимларга?

ДОРБОЗ ҚЎШИҒИ

Қисмат бўлди бу арқон,
Энди йўлим бир томон,
Сурнай эзилиб бўзлайвер —
Ўзим келдим ёнма-ён!

Карнай чолдан сўранглар:
«Бир яхшига минг ёмон!»
Дард кўкдадир, кўкда ишқ,
Кўкда экан ҳур кўшиқ,

Ерда роса қоқиндим —
Осмон, сенга топиндим!
Эндиги йўлим — АРМОН,
Таранг тортилган — арқон.

Сотқин чиқди норора —
Қилдай йўлда қолдинг жон!
— Юрак, қушга айлангин,
Қилдай йўлга шайлангин!

Сурнай эзилиб бўзлайвер,
Дур деб тошни сизлайвер,
Фитналарга ютқизсанг —
Арқон йўлни кўзлайвер.

Арқон эмас омонат,
Томиримда қиёмат,
Жони бор одам эшитсин:
Кўрқоқда йўқ диёнат!

Бир учиш бору, бор қўниш,
Бўлди, етар уриниш,
Жонни дорга тикканга —
Суриниш йўқ, суриниш!

Энди йўлим бир томон,
Сен яхшига ман ёмон,
Карнай чолдан сўранглар:
Қисмат бўлди дор арқон!

Кўзимдан йироқда ёлғиз нуқтасиз,
Сизнинг имконингиз — сўзсиз ҳаракат:
Ҳайронман, СИЗ бугун кимдан кетасиз,
УМИДни гуллайтиб қайтасиз қай вақт?

Сиз кетиб боряпсиз: мажнунҳол, сўзсиз.
Гуноҳлардан холи, АРМОҢдан йироқ.
Сиз асли юракни тарк этган изсиз,
Соғинчли йўлингиз — сариқ, яшил, оқ...

Хоҳласам, барини этаман инкор:
Мендан бўлак йўқдир сиз учун гувоҳ,
Сиз босган изларки менга даҳлдор,
Йўлдан ўзга нарса бўлолмас ПАНОҲ.

Йўл битта тақдирдир — мағрур, поёнсиз,
Сиз уни севибсиз биздан зиёда.
Сиз асли қушларга, кўкка аёнсиз,
Сизнинг манзилингиз ермас, САМОда.

Қаерга қочяпсиз? Кўряпман холис,
Изингиз нур каби санчилган найза.
Сиз қанча кетсангиз олисдан-олис,
Барибир келасиз МЕН томон қайта.

Ўзгариш бўлмайди вақтдан бўлак:
Сиз ўша-ўшасиз, кулиб сўзлайсиз.
Ҳалиям киясиз қордек оқ кўйлак,
Кўзгу қаршисида ичдан бўзлайсиз...

Синиб узилмоқлик, бир қайтмоқ гумон,
Уланмоқ гумондир тахминлар аро.
Ҳали узилмасдан тухтанг, бу замон
Сизга уланмоқни кўрмайман раво.

Имкон — ҳаракатдир. Омонат кема,
Сиз уни бешик денг, аллалар айтинг.
Бу ойнинг ҳаракати — сокин, айланма,
Келинг, ўзлигингизга шу йўлдан қайтинг!!

Ялиндим мен Саррофга бугун
 Рублга ярим тийин алмашар пайтим.
 Ўргат дедим, Мен Лайлом учун
 «Севаман» деб форсча айтайин.

Ялиндим мен саррофга бугун,
 Елдай майин, дарёдан ҳам тинч.
 Не дейилар, айт, Лайлом учун
 Қандай сўрай эркалаб ўпич.

Ва яна сўрадим саррофдан дилхун,
 Қалбда гулу, қайғуни эзиб:
 «Қандай тушунтирай юракнинг чўғин,
 Қандай айтай унга «меникисан», деб.

Сарроф жавоб айлади шундоқ:
 Ишқ ҳақида чиқармагил сас.
 Муҳаббат, дегилу, хўрсингил узоқ,
 Кўзларингда ёнсин туби йўқ ҳавас...

«Ўпич» сўзин айтиб бўлмайди,
 «Ўпич» сўзи қабрингдаги ёзувдир.
 Ўпич атиргулдир, асло сўлмайди,
 Қизил япроқ лабларингга ботибдир.

Ишқда ёнгил, талаб қилма ҳеч нени
 Фам, қувончинг — муҳаббат-чун байтингдир.
 Қўлларинг-ла сен меники деганинг —
 Юзидан чодрасин тортган пайтингдир!

Дарахтларда олтин исирга:
Япроқларни этади инкор.
— Юрагимга киргин оҳиста,
Хазонларга бермайин озор!

Қуриган тут. Қушнинг ини йўқ:
«Шўрлик, энди бўлдимиз ғариб?
Ошённингни қургин беандуҳ,
Келгин, юрагимни ахтариб!»

Ариқларда оқар юлдузлар,
Ойдин тунда айтиб ашула.
Мен изладим, Сени кундузлар,
Юрагимни кетдинг ўғирлаб...

— Дил амири қилар йўқлама:
Юлдузлардек сукут сақлама!

ТУГАМАЙДИГАН ҚҰШИҚЛАР

Эрта кўклам, Ҳамал шивирлар,
Келиб куртакларнинг қулоқларига.
Дарахтлар сесканиб ширин уйқудан,
Қуёшга керишар новдаларини.
... Қуёшни силтайди далада қизлар,
Силтаб-силтаб кетмонларида:
Уватлардан олиб ўтарлар,
Жўякларга солиб кўрарлар,
Қўшиқларга тикиб кўрарлар —
Юрақдаги соғинчларини...
Шеърлар ёзилади намхуш тупроққа,
Бир гала қизларнинг товонларида!

Шеър тўла дафтарин яширган қизлар,
Орзуларин кўкка топширган қизлар,
Қуёшни тик тутар саратон маҳал,
Арғамчи ясашиб бошлари узра.
Кейин эса мен билган қўшиқ,
Ҳансираб, бўғизларда пойлаб,
Оромдан, эрмақдан минг йил кечади,
Урилиб автолар шовқинлларига.

Ҳаво намчил тортган. Мезонлар учиб,
Осилар дуч келган қошу киприкка.
Қизлар кетмонларин айвонга қўйиб,
Укалари билан пахта теришар.
Осмондаги қуёш энди хотиржам,
Тинглайди қизларнинг қўшиқларини:
Саволлар дуч келмас бу қўшиқларга —
Қизлар айтаверар, ҳеч тугамайди.

Ёмғирлар тинса ҳам бу қўшиқ тинмас.
Аччиқ аёзларини бу қўшиқ кесар,
Бармоқлари яра қизлар куйлайди.
Бемаврид қор эрир бу қўшиқ сабаб!
...Кўкда чарх ураётган қўшиқлар
Қушларга айланар қайси бир саҳар.
Беором, сизмайин гўшаларига
Потирлайди улар кўнгилда...

БОБО БҮРИ ҲАҚИДА СУҲБАТ

Саҳар йўлга тушади овчи. Йўл — ўтмиш,
Хотирот аламингни янгилаш мумкин.
Овчининг кўзларида ҳадик музлайди —
Сиғинар етти пушт арвоҳларига:
— Ота, руҳингизни шод этай, — дейди...
Қуёш чиқмай туриб Бўрини кўрсам!
Мерган отам қўлагин. Чиққин кунгурадан —
Тушларимга кирдинг, эй ёлдор Бўри!..
Камарнинг қуйруғи адо бўлади.
Тер қуяр тоғ босган елкаларидан,
Бироқ дуч келмади Бўри.
Овчи, омадингнинг чиппаги шуми?
Этигин остида шағирлайди тош.
(Емрилган сланец, гранитлар).
Овчининг жигари титкилайди ТОШ,
Чўкиб бораётир юрагига ҳам...
Балки тоғамдир у, ё синфдош жўрам —
Кимлигин фарқи йўқ ҳозир овчининг!
Ҳозир унга йўликсайди... бир ёлғиз бўри,
Бу зот армонлардан қутулар эди,
Бир ойлар уйида тинч ухлар эди.
...Эгиларди, таъзим қиларди,
Сўзлашарди отасин эслаб,
...Кўз ёшини ҳеч ким кўрмагайдир унинг.
Қайтар эди чўққидан ҳовлиқиб тушиб —
Чошгоҳнинг чойига улгурар эди.
Ҳайрон хотинидан кўзин яшириб,
Уч кунлар дунёда энг ширин одам,
Бир ҳафта ... ҳеч кимни ҳеч сўкмас эди...

Аmmo... учрамадинг — соғинчи — Бўри
Оқтовда суягинг қолдими экан?!
Ана. Тушолмайди туш бўлди ҳамки,
Овчи энг баланд чўққининг тепасидадир.
Танимайман уни, йўғ-э.. бир кўргандайман:
Танисам-да агар яқин бормасман.
Ахир, унинг кўзларида ёш,
Қўлларини силкир. Аламлари кеч!
У бобо Бўрини эслаб йиғлаётир,
Эртакларга айланган бўрини...

ОПАМНИНГ СОҒИНЧЛАРИ

Болаларинг ухлаб ётар,
Нолаларинг ухлаб ётар.
Тонг оғриниб, зўрға отар,
Опа, сенинг кўзларингда.
(Калиш ўпгай изларингни!),
Ҳовлинг тўла тўзон барглар,
Юз супурсанг адо бўлмас,
Опа, сендан садо бўлмас —
Кўрсанг ҳамки тушларингда!
Соғинибсан... соғинарсан,
Мусичадек оғринасан:
Оёғингнинг бодигамас,
Опа, менга додинг етмас.
Тонг юлдузи оғиб бўлди,
Сигирингни соғиб бўлдинг,
Пуфляяпсан қозонга ўт.
Кўзларида бир жуфт сукут —
Болаларинг термулишар,
Мўлтирашар, мўлтирашар,
Ўчоққа ва парча кўкка...
Опажоним, чойингни ич,
(Хаёл сенга ярашмайди),
(Рассомлар ҳам чизишмайди),
Чопиғингга вақт бўлди кеч!
...Кўзларингга сиғмас ёвон —
Бу ёвонга умринг товон!
Болалигинг, бутунинг у
Ва отангдан қолган қайғу...
Укамни бир кўрсам, дейсан,
(Шўрлик менинг ғамим ейсан)
Теримгача улгургайсан —
Пичирлайсан... «якшанба» кун...
Шаҳарларнинг мошинлари,

Бир визиллаб етарми-ей,
Опа, дардинг кетарми-ей,
Жон укангни кўриб, келсанг
Нақ... отангни суйиб, келсанг!
Мен беҳушни михга солиб,
Қайтасанми, кечга қолиб,
Тўйиб-тўйиб йиғлаб олиб...
... Ҳой, не армон бу шаҳар-ей,
Вой, тўполон бу шаҳар-ей,
Қирқ бир томон бу шаҳар-ей,
Бир дўст, ёрон бу шаҳар-ей!...
Чиқмаган жон бу шаҳар-ей!...
Мана, энди нафасинг ол,
Опажоним, муздек шамол
Етакласин остонангта,
Юрт сиққудай дарсхонангта!
...Ҳовлинг ана, чанг тўзондир,
Юрагимдек тўполондир.
Тўполонда, тўполонда —
Сени кутиб чарчаб-чарчаб,
Болаларинг ухлаб ётар,
Нолаларинг ухлаб ётар!!

* * *

Шайтон нега тушмас сенинг бўйнингдан?
Йиллар анграяди: нечага кирдинг?
Шайтон миниб олмиш Сенинг бўйнингта,
Бўйнингта шайтонни нега миндирдинг?

Саволлар анқовдир. Шайтон минг ёшда.
Кўклам гулатади тупроқни ҳар йил.
Ютқазмиш-ҳукммас. Тақдир-ювошдир.
Умид-гул... Армонни ҳидлаб кўкаргил.

Шовқинга ишонма, очгайсан кўзинг,
Бинафша тебранар, қайта келдим, деб.
Макр ўт қўймоқчи дунёга бу кез,
Макрлар қуш эмас — кўкка чиқолмас.

Қалдирғоч сув ташир. Ари гўнғиллар.
Қонимда гулханлар чарсиллаб тинган.
Ишончим тоғига қўрқмай чиқавер —
Тухматлар кўксимдан қулаб йиқилган!

ҳазиломуз

Дилтанг бўлиб, бир оз чарчаб толганлар,
Ҳайронлар кўзига соя солганлар,
Сочлари тўкилиб, ё бўятиб олганлар,
Эй, Сизни ўзи қайси жин уриб қўйди —
Қирққа кириб, яхши кўриб қолганлар!

Қирқ ёшдасиз: қуюлингиз, тўлингиз,
Ҳар бурчақда Сиз-чун ғийбат... кулгингиз,
Муштин қисар сабза мўйлов ўлгингиз...
Ёки Сизнинг келиб қолган ... ўлгингиз,
Қирққа кириб, яхши кўриб қолганлар!

Бепарвосиз ўтиб кетар замонга,
Пичирлайсиз ойлар ботган томонга,
Сизнинг оёқ ерда эмас-осмонда,
Қирққа кириб, яхши кўриб қолганлар!

Телба дарё, далли дарё, сал эҳтиёт тўлинглар,
Ерда унган майсага ҳам энди хуфя кулинглар.
Энг осони — шеър ёзинглар, шоир-поир бўлинглар,
Бу дунёга тушунмайсиз, тушунмайин қолинглар,
Қирққа кириб, яхши кўриб қолганлар!

Бир... икки... деб санама,
Санаганинг уч пуулдир.
Жоним, ўзинг қийнама,
Қийнаганинг уч пуулдир.

Кўҳна чарх-кўпдан қолгон,
Кўпнинг ҳушини олгон,
Ҳақдан ўзгаси ёлгон —
Ёлгонларинг уч пуулдир.

Умр ўтар, сол қулоқ,
Вафо қилмаган бироқ,
Осилсанг бойлик равоқ,
Осилганинг уч пуулдир.

Чекканларинг — риёзат,
Риёзат ҳам — омонат,
Ҳушинг олган синоат:
Синоатинг уч пуулдир.

Юлдузларинг ой бўлмас,
Кўлмакларинг сой бўлмас,
Қумдан сира лой бўлмас,
Сув қуйганинг уч пуулдир!

Яшнаб турган гулдирсан,
Ё бировга қулдирсан,
Йиғлаганни қулдир, сан
Кулганларинг уч пуулдир.

Суйкалганинг нобакор,
Суйса бас, Эгам жаббор,
Суймаса бари бекор —
Суйкалганинг уч пулдир!

WWW.NATLIB.UZ

Кўп қаватли «дом»да яшайди сичқон,
Янаям балаңдга чиқса-ю тинса.
Айвондан офтобни қувса бегумон...
(Мушук бу офтобга чиқмас текинга).

Сичқоннинг ини оз — харидори кўп,
Гулқороз риёлар — ғунчаман, дейди.
Бу сичқон дор ўйнар. Тутмас лангарчўп,
«Менинг нархим-балаңд, ...шунчаман», дейди.

Фариштали кимса сирдан огоҳдир:
Мушукни турткилар минг йил, тўғриси.
Рақиб эмас унга: бўлган гуноҳкор,
Бу мушукнинг келган,асли ўлгиси!

Қопқонлар ёпилар. Очилиб кетса,
Ўйларинг қушмиди, осмонга учган.
Бир кун қайтиб келиб, кўксингга ботса...
Тақдир — сичқон эмас, мушукдан қочган!

Дунё боқар:
Сичқон сирмайди инга,
Ғалвир борламоқни яна истайди.
Бу айвонга мушук чиқмас текинга,
Офтобга чиққин, деб кимдир қистайди!

Хулоса қарсиллар. Кўзимда қўрқув,
Икковига пастга туш демабмидинг?
Кўксингни ёргайдир севинч ва қайғу,
Сен анов мушукни пишт демабмидинг...

Шамоллар эскирмас. Чўпчак янгидир.
Мушук — арслон бўлмас, садағанг кетай.
Судхўр сичқонгаки алданганингдир —
Инини минг танга сўрасанг, нетай!

Кўхна дунёнг кенг, деганлар,
 Хўб бебаҳо айтганлар.
 Баҳоси йўқ эранлар
 Айтиб-айтиб кетганлар.
 — Кўрганларим. Билганларим,
 Йирлаб кўздан яширдим.
 Бизга ноҳақ бўлганларни
 Ё Ҳақ, Сенга топширдим!

Умр — ўқдир, билдик биз,
 Юракни хўп тилдик биз,
 Манов ишни қилманг, деб,
 Ўша ишни қилдик, биз!
 Билмас эдик бу йўлларни,
 Билдирдилар. Шошилдим.
 Сенга ноҳақ бўлганларни
 Ё Ҳақ, Сенга топширдим!

Ер қаттиқ, кўк йироқдир,
 Билдиргувчим кўпроқдир.
 Сабоқ берар шайтонлар,
 Ижодлари — тузоқдир.
 Ҳар лаҳзага ҳамд, илло,
 Фамни дилдан тоширдим,
 Ҳар ноҳақни ё Оллоҳ,
 Мен ўзингга топширдим!

Сийрат балким камолдир,
 Суврат балким — аъмолдир,
 Нафасига сифинганлар,
 Ўтар-кетар шамолдир.
 Шамолдек тўлганларни
 Сийлаб қирдан оширдим,
 Бизга ноҳақ бўлганларни
 Ё Ҳақ, Сенга топширдим!

* * *

Фарзандлигинг англасанг,
Жаннатдаги бордир, Онанг.
Гар суянмоқ тиласанг —
Кўксингдаги тоғдир, Отанг!

Сени гул дер, лолам, дер,
Сен сабабки — Оллоҳ, дер.
Танбеҳи ҳам тилло, дур —
Кўксингдаги тоғдир, Отанг.

Уканг йигит гулидир,
Аканг хотин қулидир.
Ҳол сўраган лўлидир,
Кўксингдаги тоғдир, Отанг.

Отаси бор ўғиллар,
Кўкка қараб физиллар.
Отага зор ўғиллар,
Кўксингдаги тоғдир, Отанг.

Падар пир дер, эранлар,
Борар йўлин сўранглар,
Хатом борми, ёронлар:
Кўксингдаги тоғдир, отанг!

УНУТИЛГАН ВАҚТ

Вақт бўй чўзади қуёшга томон,
Вақт хоҳласа ён томонга ўсади.
Вақтни тўхтат, деб ёзарлар ҳамон,
Кимдир белгилар билан тўсади...

Поездлар елади. Вагонларда — вақт.
Деразадан қараб, асло ухласас.
Самолётдан тушар. Чарчаган, карахт.
Нотаниш шаҳарни ҳечам англамас.

Шамолларга бир дам айланади вақт:
Сочларни ўйнатар. Тегажак, анди...
Кимларгадир — тўғри, кимгадир — чатоқ,
Сарсон бўлишини ўзи билганди.

Қолипга тушай деб (шакл-бегумон),
Қоғозга ёзилган вақтни кўрдик.
Эълон деб ўқирлар. Ўқир оломон,
Кеч қолсак ҳам вақт йўқ, деб югурдик.

Ярим тун. Тор йўлак, Дарвоза остин
Сигарет қоғози кўриқлаб ётар.
Тунда санғиганлар топтади, босди:
Вақт ухлаб қопти...
Тонг эса отар.

Юрагимни тўксам — эрир тошгача,
 Балки ортиқчадир Сизга ўтитлар.
 Менга кўриняпсиз жуда бошқача,
 Сочлари оқариб кетган йигитлар!

Бир сокин дарёсиз, оқяпсиз, ажаб —
 Ўйчан мамлакатсиз, балким, бетараф.
 Серғалва оламда ўзи нима гап
 Сочлари оқариб кетган йигитлар!

Дунё шул демангиз — дунё биттамас,
 Мингта дунё бўлса, мингтадир ҳавас,
 Қанчаси алдайди бизни қасдма-қасд,
 Сочлари оқариб кетган йигитлар!

Хатоимиз — эрта, хатомиз — кечдир,
 Хатолар уй бўлса — афсусга зичдир,
 Эгам ёрлақаса — қолгани ҳечдир,
 Сочлари оқариб кетган йигитлар!

Сабаблар селмиди? Балким, шошгансиз,
 Балким, соянгиздан бир кун қочгансиз.
 Ўттизга ўт ёқиб, қирқдан ошгансиз,
 Сочлари оқариб кетган йигитлар!

Беғаму беўйдан — Ўзи сақлагай.
 Беғаму беўйлар — кимни тинглагай,
 Беғаму беўйлар — бир кун йирлагай,
 Сочлари оқариб кетган йигитлар!

Қировлар забт этар бир кун қошгача,
 Мен пир атадим ҳам сирдошгача.
 Менга кўринасиз жуда бошқача,
 Сочлари оқариб кетган йигитлар!

ШОИРГА

Умр надур? Тонглар отар, кунлар ботар,
Гуноҳга ҳам, савобга ҳам биз харидор,
Қолган гаплар ортиқчадир, ортиқчадир,
Бу дунёга нега келдик, эй биродар?

Ёнроқдайин шағирлайсан — тўла қопсан,
Гарданингга оғир юкни бекор опсан,
Елкангда юк, куйлаяпсан — доводиртобсан,
Эгам раҳм қилсин сенга энди, эй биродар!

Вафоли бўл, улуғ эл бу! Хитлик қилма,
Соя бўлгил, бир тол бўлгил, тутлик қилма,
Гулзорида капалак бўл, битлик қилма,
Қаламинг — най, куйлаб берсин, эй биродар!

Улуғ эл бу: шеърга жонин тикканлар бор,
Қавм аро пирзодалар, Ҳақни қалбга экканлар бор,
Сен-мен билан иши йўғу, қофиябозни сўкканлар бор,
Тирик бўлсанг, гулдирагин, йўлни ёрит, эй биродар!

Оқтепага ўтаётиб тушиб ўтдим,
Бир қувондим, Хатирчида кўнглим — ўйли:
Китоб дўкон «урҳо-ур»ни қотиб кутдим,
Хатирчида талош эди Махтумқули!

Сотувчининг қўли чаққон: шошган, майли,
«Узат», дерлар, нархини ҳеч сўрамайин,
Китоб кирган кўнгилга гард доримайди,
Хатирчида талош бўлди Махтумқули!

Эй худойим, китоб нурдир, билдим энди,
Осмон бўлдим, нурларингга тўлдим, энди,
Қайтиб тушдим, ўлмайдиған бўлдим, энди,
Хатирчида талош бўлди Махтумқули!

Китоб келса синар экан ёлғонлар, ҳей,
Минар экан ёлғон айтиб қолғонлар, ҳей,
Ёлғонини қайтиб-қайтиб олғонлар, ҳей,
Хатирчида талош бўлди Махтумқули!

Оқтов қадар юксалади менинг кўнглим,
Бир китобни талашяпти мингга қўлим,
Ҳеч тенги йўқ эдир асли, менинг элим,
Хатирчида талош бўлди Махтумқули!

Ойга боқсам — тунлар юзи доғлидайин,
Сирдошимнинг қалби ўтли, чўғлидайин,
Ўв...

Шоир борми, Махтумқулидайин,
Хатирчида талош бўлди Махтумқули!

ИЧКУЁВ

Шаршаралик тоғ қишлоқ,
Унда изим қолғандир.
Тегирмончи чол-камбирнинг
Суксур қизи бўлганди.

Ёз-қиш келган, гўр эдим,
Қорлар ёпган изимни.
Ўша суқсур, ёронлар,
Ҳеч олмаган сўзимни!

Отам галла юкласа.
Тегирмон, деб шай эдим.
Энам ёшсан, қўй, деса,
Отам: аҳ-ҳай, ҳай...дерди.

Тегирмон бир баҳона,
Кўплар кўзга илмаган.
Кўплар мени Суқсур деб
Бораримни билмаган.

Тегирмонда навбат кўп,
Буғдойгинам, бўлгин ун.
Ун учун келганим йўқ,
Қолиб кетай уч-тўрт кун.

Хешлар буғдой тортган тун
Кўқдан юдуз йиққанман,
«Суқсурим» деб томларда
Қўшиқ айтиб чиққанман.

Кунлар ўтар, ёронлар,
Қўшиқларим ўлмагай!
Кетар пайтим Суқсурим,
Қол десам ҳам қолмаган...

Эй Суқсурим, яхши қол,
Ойга сени бермасман.
Сенга битта шаҳарни
Обкелмасам — келмасман!

Биз кетганмиз: хайр-хўш,
Бўлган кейин томоша:
Шоирга тегмайсан, деб,
Кампир қилган хархаша.

Чўпон яхши шоирдан,
Қуруқ шеърни нетасан!
Чўпонга эрга тегсанг,
Қаймоқ ялаб ётасан.

Совчи келар хулласи,
Бир чўпоннинг ўғлидан.
Суқсур куяр бечора,
Ваъдасининг чўғидан.

Тегирмончи боши қотган:
Нима қилсин — битта қиз.
Ой деса ой, кун деса кун,
Манглайида шу юлдуз!

Гап битта (Совчиларни
Қайтарай деб йўлига),
Бераман, дер қизимни
Ичкуёв бўлган ўғилга!

Лов-лов ёнар совчилар,
Совчи зоти лўлидир:
«Ичкуёв бўлаётган —
Минг қўйли бой ўғлидир»!

«Ичкуёв», деб кампир шод,
Тўй бўлади вада-ванг!
Йиғлаб қолган Суқсурим
Қўлдан кетди, ҳей, аттанг...

Шаҳарга нега келдим,
Шеър деб бўлдим девона.
Ана, олғир ичкуёв
Суқсуримга парвона!

Дунё, дунё деманглар —
Бу дунёси — тегирмон!
Хўп эзилдим. Ўзимни
Танимайин мен ҳайрон.

Бу дунёинг тегирмон,
Ҳар кун майдаланаман мен,
Бурда-бурда юрагим
Териб уйғонаман мен.

Эй ёронлар, бу шаҳарни
Суқсурга совға, девдим.
Мен шеърни танимайман,
Суқсур сабаб дев эдим!

Тов қишлоққа йўл берқдир,
Қўлида ушлаб косов:
Тегирмонга йўлатмас,
Анов олғир ичкуёв!!

Мана осмон, мана замин,
 Манави тор, манов қирлар...
 Сои айланган, ҳув ер тўкин,
 Баракали юрт дерлар.
 У бор бўлди кўп асрлар,
 Бундан сўнг ҳам бўлар бор.
 Кўмилса ҳам қасрлар,
 Гул очар у ҳар баҳор.
 Чунки бу юрт Тиёншонга
 Бир умрлик жондошдир.
 Сир, Аму, Зарафшонга
 Қиёматлик қондошдир.
 Эрк, ҳақиқат бу юртнинг
 Жон берган томиридир.
 Эрк-ҳақиқат, нур васлин
 Излаб, Фиркўк минганлар,
 Жон кетса ҳам топмайин,
 Эгардан тушмаганлар.
 Эрк, ҳақиқат ҳамиша
 (Бормаса ҳам тўйларга);
 Етиб келди ким ҳақ деса,
 Чироқ бўлиб уйларга.
 Уйғониш — ҳур фаслда,
 Кўкка қараб тилим лол.
 Эрк, ҳақиқат аслида
 Ўсаётган Истиқлол.
 Куртак очган гўё лола,
 Барги разал тўқийди,
 Абдурауф деган бола,
 Қойиллатиб ўқийди.
 Мана осмон, мана замин
 Истиқлол бу ҳур чироқ.
 Манови эртак, мана бу сен,

Бугун ёвду кучлироқ,
Куйлар чалай мен такрор,
Дилда бир ҳадик илло,
Қуёшинг йўқ деб сакрар.
Бир чакалак юрилло.
Эй ҳақиқат, ён ўзинг,
Юрар йўлинг нур қилгин,
Ҳақиқат йўқ деганларнинг
Кўзларини кўр қилгин!

МУНДАРИЖА

Ватан	3
Она соғинчи	4
«Бўзлов тупроқ, сеҳр кўрдим...»	6
«Бири кам дунёнинг...»	7
Ҳакимбек	8
Синиқ ойнадаги шеърлар	9
«Кимдир ўсма қўйган, ким соқол олган...»	9
«Бир умр тўғри сўз бўлайин, дебман...»	9
Кузатиш	10
«Қуёш қизаради намозшомгулдан...»	12
«Афсусдан ҳуркишар. Нега? Билмайман...»	13
«Ўткинчи деб атабдурлар...»	14
«Ўриклар оқ кўйлак ичра ястаниб...»	16
«Шеър — бу руҳнинг ўтинчидир...»	17
Шаҳардаги ёмғир	18
Меҳрибон Баёт	20
«Макр чоҳ кўядир: ним табассум-ла...»	22
Отамнинг чопони	23
Ёғоч кўприкка ёзилган шеър	24

Дорбоз қўшиғи	26
«Кўзимдан йироқда ёлғиз нуқтасиз...»	28
«Ялиндим мен Саррофга бугун...»	30
«Дарахтларда олтин исирга...»	31
Тугамайдиган қўшиқлар	32
Бобо бўри ҳақида суҳбат	34
Опамнинг соғинчлари	36
«Шайтон нега тушмас сенинг бўйнингдан?...»	38
«Дилтанг бўлиб, бир оз чарчаб толганлар...»	39
«Бир... икки... деб санама...»	40
«Кўп қаватли «дом»да яшайди сичқон...»	42
«Кўҳна дунёнг кенг, деганлар...»	43
«Фарзандлигинг англасанг...»	44
Унутилган вақт	45
«Юрагимни тўксам — эрир тошгача...»	46
Шоирга	47
«Оқтепага ўтаётиб тушиб ўтдим...»	48
Ичкуёв	49
«Мана осмон, мана замин...»	52

Адабий-бадший наир

БАҲРИДДИН САДРИДДИНОВ

ҲАЙРАТ ГУЛХАНИ

Шеърлар

Муҳаррир Абдували ҚУТБИДДИН

Бадий муҳаррир Б.БОЗОРОВ

Техник муҳаррир Е.ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ А.ТОЖИЕВ

Саҳифаловчи Н.РАҲИМОВ

ИБ № 4150

Босилга 21.04.2006й да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоғи 1,75. Шартли босма тобоғи 2,94.

Адади 1200 нусха. Буюртма № 94.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.